

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

**К.З.Музаффарова**

Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти  
катта үқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада вилоят иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш омилларига илмий таклифлар келтирилған.

**Калит сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестиция, туризм, импорт, экспорт, акция, облигация, саноат зона, иқтисодий зона

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье представлены научные предложения о факторах привлечения иностранных инвестиций в экономику

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, туризм, импорт, экспорт, акции, облигации, промышленная зона, экономическая зона

### **ABSTRACT**

This article presents scientific proposals on the factors of attracting foreign investments to the economy of the region

**Key words:** investment, foreign investment, tourism, import, export, share, bond, industrial zone, economy zone.

Хар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири - бу иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўлиб келмоқда. Инвестиция муаммоларини тадқиқ қилиш ҳар доим иқтисодиёт соҳаси

мутахассислари, таҳлилчилари ва тадқиқотчиларининг эътиборини тортиб келган. Жаҳон капитал бозори инвестицияларни жалб қилишда кескин рақобатга дуч келмоқда, уларнинг етарли ҳажмда ва сифатли даражада жалб этилишини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, минтақаларнинг қўйи бўғини ҳисобланган қишлоқ худудларини ривожлантириш, “худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш”<sup>32</sup> муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Кейинги беш йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 83 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилишига эришдик. Кўплаб йирик, ўрта ва кичик, хусусан, маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали қарийб 2,4 миллионта янги иш ўрни яратилди. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 25 фоиздан 33 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 марта ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 2 баробар, ахоли даромадларининг 2,5 баробарга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ҳам сезиларли ўсиши таъминланди.<sup>33</sup> Шу туфайли жойларда - туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким ўринbosарлари лавозими жорий этилгани бежиз эмас. Худудий бошқарув органларининг бюджет маблағларини шакллантириш, қўшимча захираларни яратиш бўйича солик, молия ва иқтисодиёт соҳалари органларининг масъулиятини ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони //<https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>33</sup> Ш.М. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн]. -.Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. - 50 б.

Бюджет тизимини ислоҳ қилиш соҳасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари янада кенгайтирилди. Энди ҳар бир ҳудуд раҳбари берилган имкониятлардан фойдаланиб, масъулиятни тўла ўз зиммасига олиши, “ўз аравасини ўзи тортиши” керак.<sup>34</sup> Шундай экан, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш учун хорижий инвестициялар жалб этиш қўламини ошириш зарур. Қуйида вилоятда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини кўриб чиқамиз.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра Қашқадарё вилоятида инвестиция мухитини яхшилаш, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш ва хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз:

- маҳаллий ҳокимият томонидан хорижий инвесторлар фаолиятига аралашувни мавжудлиги, хуқуқий тизимни яхши ишламаслиги, шартномаларга риоя қилмаслик, қонунчилик тизимини ва низом ва меёрларни тез-тез янгиланиб ўзгарб туриши;

- ишлаб чиқариш чиқариш инфратузилмаси билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида хорижий инвестицияларни лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарида жойлаштириш мақсадга мувофик;

- маҳсус зоналарда жойлаштиришнинг имкони бўлмаган истиқболли хорижий инвестицияли лойиҳалар (қишлоқ хўжалиги, хизмат қўрсатиш)даги инфратузилма яратиш билан боғлиқ харажатлар учун давлат томонидан тўлиқ ёки қисман субсидиялаш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофик;

- минтақанинг қимматбаҳо қоғозлар бозорига тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини фаоллаштиришда тадбиркорларда инновацион ривожланишни таъминлаш ва ўzlари томонидан чиқарилаётган акция, облигацияларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш муаммоларини иккинчи даражали иш деб билишлари ва бунга қўшимча

<sup>34</sup> Ш.М. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] /. -Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. - 94 б.

сифатида улардаги мулкни бўлиб олишга интилишнинг юқорилиги ҳам тўсқинлик қилмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)**

1. Muzaffarova, K. (2021). Қашқадарё вилоятининг инвестицион салоҳияти асосида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий жиҳатлари. *Архив научных исследований*.
2. Музаффарова, К. З. (2018). Қашқадарё вилоятининг инвестицион салоҳияти асосида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий жиҳатлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (12), 46-51.
3. Turobov, S., Muzaffarova, K., Alimxanova, N., & Azamatova, G. (2020). Increasing the financial and investment potential of the households. *Solid state technology*, 63(6), 141-151.